



SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

www.openscience.uz

153.	Дилфуза Сулюнова Умирова Межпредметные связи на уроках русского языка и литературы	952
154.	Нодира Каримовна Нуруллаева Методические аспекты музыкального образования, особенности обучения народных песен в 5-7 классах	957
155.	Бобиршоҳ Ғайбуллоевич Нуруллаев Музыкальный ракурс изучаемого объекта в особенности обучения фольклора	963
156.	Нигора Каримовна Нуруллаева Теории музыки основа - основ музыкального формирующих принципов и правил произведения	969
157.	Нозима Кудратовна Нуруллаева Подготовка будущих учителей музыки к методически грамотной профессиональной деятельности	975
158.	Мехринисо Бобиршоҳ кизи Нуруллаева, Нодир Джалолович Ядгаров Мировые шедевры живописи великих художников - маятник в развитии художественного искусства	981
159.	Анжелика Валерьевна Хазраткулова Роль русского языка в современном обществе	987
160.	Niyazbek Asqarov Dirijyorlik etishda asarning mustaqil ijrosi	996
161.	Фаррух Соипович Саидов Марказий Осиё мамлакатларида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли	1001
162.	Сарвиноз Фарходовна Салимова Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциялари шаклландириш даражасини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари	1007
163.	Сарвиноз Фарходовна Салимова “Тюнинг” (“Tuning”) халқаро лойиҳаси ва унинг моҳияти	1013
164.	Ширин Исроилжон кизи Одилжонова, Турсуной Исмонова Применение технологии Critical Thinking на уроках английского языка	1020
165.	Муаттар Хушнудбековна Туляганова Дистанционные образовательные технологии в обучении русскому языку	1027
166.	Дониёрбек Наврузович Обидов Характеристики Хорезмской музыки	1031
167.	Джавлон Баймуратович Элибаев Формирование исполнительских навыков и умений учащихся детской музыкальной школы по классу гитары	1036
168.	Лобар Кульмуротовна Эсанова Деятельность в интересах подростков на уроках изобразительного искусства	1043
ECONOMICS / ИҚТИСОД ФАҢЛАРИ		
169.	Bobur Ruxiddin o'g'li Amirqulov, Akbar Aqmirzaevich Shernayev Davlat maqsadli fondlari moliyaviy resurslaridan samarali foydalanish yo'nalishlari	1048
170.	Said Akbarovich Kurbonov, Shohrux Saidov Enterprise risk management: review, critique, and research directions	1054
171.	Jasurbek Baxodirovich Gazikulov, Akbar Aqmirzayevich Shernayev Mahalliy byudjetlar daromadlarini tartibga solish mexanizmlarini takomillashtirish yo'llari	1062
172.	Yulduzxon Rasuljonovna Isroilova, Xotamjon Abdulkarimovich Qobulov Tashqi savdoni rivojlantirishda xalqaro hisob-kitob shakllaridan foydalanishning ahamiyati	1068

“Тюнинг” (“Tuning”) халқаро лойиҳаси ва унинг моҳияти

Сарвиноз Фарходовна Салимова
sarvinoz8915@gmail.com
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада касбий компетенциянинг моҳияти, унинг аҳамияти, баҳолаш воситалари фондини, “Тюнинг” (“Tuning”) халқаро лойиҳаси фаолияти, талабалар компетентлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш услублари ва шакллари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Инструментал компетенциялар, шахслараро компетенциялар, тизимли компетенциялар, интерфаол баҳолаш воситаларига: ҳаётий вазиятларни, продуктив баҳолаш, репродуктив баҳолаш.

International project "Tuning" and its essence

Sarvinoz Farkhodovna Salimova
sarvinoz8915@gmail.com
Bukhoro davlat university

Abstract: The article provides information about the essence of professional competence, its significance, the fund of assessment tools, the activities of the international project "Tuning", indicators of students' competence, methods and forms of their assessment.

Keywords: instrumental competence, system competence, system competence, interactive assessment procedures: life situations, product assessment, reproductive assessment.

“Тюнинг” (“Tuning”) халқаро лойиҳаси фаолияти Европада таълим тузилмалари 2000 -йилларда Болония жараёнининг сиёсий максадларини ва кейинги босқичда Лиссабон стратегиясини олий таълим соҳаси билан боғлашга мўлжалланган лойиҳа сифатида бошланди. Вақт ўтиши билан ўрнатиш биринчи, иккинчи ва учинчи цикллар дастурларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, амалга ошириш, баҳолаш ва сифатини яхшилаш жараёнига айланди. Тюнинг натижалари, шунингдек, унинг воситалари бир қатор тюнинг нашрларида келтирилган бўлиб, муассасалар ва уларнинг олимлари ўз шароитларида синаб кўришга ва фойдаланишга таклиф етилади. Тюнинг ёндашуви олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган ва улар учун мўлжалланган.

“Tuning Educational Structures” (“Таълим структураларини тузиш”) халқаро лойиҳаси (кейинги ўринларда Tuning (ёки Тюнинг) таълим дастурларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш воситаларини яратишни мақсад қилган. Бу воситалар, бир томондан, таълим олувчи ҳамда меҳнат бозорининг талабларини қондириши, бошқа томондан – турли миллий таълим тизимлари томонидан тан олинishi ва шу билан бирга, муайян университетларнинг илмий-таълим мактабларига хос хусусиятларни сақлаб қолиш имконини бериши лозим.

Тюнинг умумий компетенцияларнинг учта турини ажратади:

- Инструментал компетенциялар: билиш қобилияти, услубий қобилият, методологик қобилият ва лингвистик қобилият;
- Шахслараро компетенциялар: ижтимоий кўникмалар (ижтимоий ўзаро таъсир ва ҳамкорлик) каби индивидуал қобилиятлар;
- Тизимли компетенциялар: бутун тизимлар билан боғлиқ бўлган қобилият ва кўникмалар (тушуниш, қабул қилиш қобилияти ва билимларнинг комбинацияси; олдиндан инструментал ва шахслараро компетенцияларни эгаллашни талаб қилади).

Тюнинг методологиясини сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқилган дастурлар битирувчиларда умумий (универсал) ва махсус (касбий) компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган ва асосан, модулли ҳисобланади. Модул тизимнинг муҳим хусусияти бор - у ўқиш натижалари нуқтаи назаридан шаффоф ва таълим олувчилар ва иш берувчиларнинг шахсий талабларини қондириш учун етарлича мослашувчан. Бундай дастурлар ўқиш натижалари ва таълим олувчининг ушбу натижаларга эришиш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари ўртасида керакли мувозанатни топишга кўмаклашади. Саъй-ҳаракатлар синов бирликларида (академик кредитларда) ифодаланади. Тюнинг методикаси доирасида айнан таълим дастурини лойиҳалаштириш босқичи унинг сифати ва жамиятда унга талаб катта бўлиши нуқтаи назаридан муҳим жиҳат ҳисобланади. Яхши лойиҳалаштирилмаган дастурлар битирувчиларни тайёрлаш даражасига салбий таъсир қилади, уларнинг ишга жойлашиш имкониятини камайтиради, ўзлаштириш учун эса керагидан узоқ вақт талаб этилади. Тюнингда таълим дастурларини лойиҳалаштириш методикаси ишлаб чиқилган. Мазкур методикани, шунингдек, қисқача қадам-бақадам алгоритм кўринишида баён этилиши мумкин.

Ўқиш натижалари ва компетенциялар шаклланганлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. “Олий таълимнинг таълим дастурлари бўйича таълим фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби”да компетенциялар иккига ажратилган бутун ўқиш дастурини ўзлаштириш натижаси ва муайян фан (амалиёт) бўйича ўқиш натижалари.



1-расм. Талабалар компетентлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш услублари ва шакллари

Ўқиш натижаси - бу дастурнинг муайян бир қисмини ўзлаштириш ва шунга яраша оралиқ ва жорий баҳолаш кўзда тутилган. Ўқиш натижаси ва компетенцияни ўзлаштириш натижаси ўртасидаги нисбат куйидагича: талабада компетенция шаклланиши учун бир қатор фанлар (амалиёт) бўйича муайян натижаларга эришиш зарур. Шундай қилиб, компетенция - иш берувчи учун тушунарли бўлган категория, ўқиш натижаси - ОТМ ўқитувчилари ҳамжамияти учун тушунарли категория.

Бошқа сўз билан айтганда, компетенция натижалардан ҳосил бўлади, натижалар компетенциялар шаклланишининг зарурий ва етарли шартидир. Ўз навбатида, алоҳида фанлар бўйича ўқиш натижалари жорий, оралиқ ва якуний аттестация давомида текширилади. Бундай текширув тестлар, назорат ишлари, оғзаки сўров, курс ишлари ва ҳоказолар ёрдамида амалга оширилади.

Ўқиш жараёнида ва жорий ҳамда оралиқ аттестация чоғида компетенцияларнинг ўзи эмас, балки, Биология ўқитиш методикаси фанини ўрганиш чоғида шаклланадиган уларга мос ўқиш натижалари текширилади.

Ўқиш натижалари компетенцияларнинг алоҳида даражалари (босқичлари)га ва жиҳатларига (элементларига) мос ва уларни ўқув режасининг муайян таркибий қисмлари (фанлар, амалиётлар, ИТИ, мустақил иш ва ҳ.к.) билан таққослаш мумкин. Ўқиш натижалари ўқишнинг маълум босқичини тамомлаган талабанинг билим, кўникма ва малакалари тавсифи ҳисобланади.

Ўқиш натижалари ўлчаш мумкин бўлган параметрлар бўлиб, уларга эришганлик режалаштирилган компетенциялар шаклланганлигини англатади.

Дастурнинг алоҳида элементлари (модулар ёки фанлар ва амалиётлар) ва махсус (касбий) компетенциялар учун ўқиш натижаларини режалаштириш таълим дастурини лойиҳалаштиришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Таълим олувчи дастурнинг барча элементлари бўйича режалаштирилган ўқиш натижаларига эришиши таълим муассасасини битирганда унда дастурни ишлаб чиқишда асосий мақсад сифатида кўрсатилган компетенциялар шаклланишини кафолатлайди.

Ҳар бир компетенцияни талаба унга эришишнинг эҳтимолий даражалари орқали намойиш этиш ва бунда бу даражага мос индикаторлар (ўқиш натижалари) ва дескрипторларни [15-17] (ўқиш натижаларига қанчалик муваффақиятли эришилгани кўрсаткичлари) шакллари (компетенциялар паспортлари, компетенциялар хариталари, матрицалари, матнда баён этиш) турлича бўлиши мумкин. Таълим дастурини лойиҳалаштириш босқичида ишлаб чиқилган ва ўқитувчилар жамоаси томонидан ифодаланган битирувчининг компетенцияси модулар ёки таълим дастурининг бошқа элементлари ишчи дастурларини шакллантириш учун асос қилиб олиниши жуда муҳим.



2-расм. Баҳолаш воситалари типлари.

Интерфаол баҳолаш воситаларига: ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, ролли, ишбилармонлар ўйинларидан фойдаланиш, case-study методи (аниқ амалий вазиятларни таҳлил қилиш), лойиҳалар яратиш, ўқув мунозаралари, кичик маърузалар, вазиятли топшириқлар, тақдимот, интервью, ақлий ҳужум, дебатлар киритилади [8-14].

Продуктив баҳолаш воситалари репродуктив воситалардан фарқи равишда билимларни ижодий эгаллаш қобилиятини текширади. Фаолиятли компонентни текширишда компетенциялар шаклланганлигини баҳолаш фаол ва интерфаол баҳолаш воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бунда фаол баҳолаш воситалари таълим олувчиларда маълум ҳаракатларни эгаллашни

текширса, интерфаол баҳолаш воситалари билимларни эгаллаш қобилияти, ҳамкорликдаги тажрибадан фойдаланишни назарда тутди.

Компетенцияни баҳолашда баҳолаш воситалари имкониятларига тўхталиб ўтамыз.

Репродуктив баҳолаш воситалари қабул қилинган тайёр билимларни ўзлаштиришни ва ўрганилган материални тушуниш ва қайта ишлаш, эслаб қолиш қобилиятини оғзаки ёки ёзма (вербал, новербал) шаклда текширишга йўналтирилган бўлади. Ҳар қандай компетенция билимларга асосланади, шунинг учун билимларни текшириш бошланғич босқичда бўлиши керак ва ўқитиш сифатини баҳолаш.

Репродуктив жараёнида ўқитишни ташкил этиш ва баҳолаш схемаси ўзаро таъсири етарлича оддий: педагог ахборотни етказди – таълим олувчи бу ахборотни қабул қилиши ва қайта ишлаши зарур. Билим сифатини қабул қилиш, тушуниш, эслаб қолиш ва ўрганилган маълумотни қайта ишлашга боғлиқ. Баҳолаш сифати материални қайта ишлаш (аниқлик, тўлиқлик, кетма-кетлик ва ш.к.) аниқлигига боғлиқ. Репродуктив баҳолаш воситаларига: назорат ишлари, оғзаки имтихон, ёзма имтихон, тест, сўровнома, коллоквиумлар киради [1-7].

Продуктив баҳолаш воситалари маълумотни фақатгина оддий фикрлаш қобилиятини эмас (ўқув материални таҳлил қилиш, синтезлаш), балки ўрганилганлиги асосида мустақил ижод маҳсулини яратишни текширади.

Ўқитиш натижаларини баҳолашга эришиш учун фан ўқитувчиси соҳанинг мутахассиси сифатида жорий ва оралик назоратни амалга ошириш жараёнида маълум кўрсаткич ва мезонларга таянади.

Ўқитиш натижаларига эришиш индикаторлари (кўрсаткичлари) таркиби, Биология ўқитиш методикаси соҳасини (модулни) эгаллашда, билимларни баҳолашда (саволларга жавоб бериш), масалалар ечиш ва топшириқларни бажариш (кўникма), кўпқиррали, муваффақиятли амалий фаолияти, келажакда талабалар касбий фаолиятининг (тажриба) муваффақиятини таъминлайди.

Белгиланган мақсаднинг мувофиқлигини қафолатлаш учун ўқитиш натижаларини баҳолаш усулларини тавсифлаш мажбурийдир.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва баҳолаш воситалари фондини шакллантириш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга (тажриба) тайёрлаш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Математика [18-21, 27-30], ботаника, география, зоология, биотехнология [22-26] каби фанларни ўзлаштирган талабаларнинг компетентлигини баҳолашда бу фанлар бир-бирини ўз қонуниятлари билан тўлдиришини инобатга олиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедова Г. У., Салимова С. Ф. Чтение на иностранном языке как средство развития опыта общения учащихся //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 4 (17).
2. Ахмедова Г. У., Салимова С. Ф. Собственные имена в ономастике немецкого языка //Молодой ученый. – 2016. – №. 7. – С. 1139-1141.
3. Salimova S.F. Improving the professional competence of future biology teachers //Archive of Conferences. – 2021. – С. 69-71.
4. Salimova S. General structure of spinal animals features //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
5. Salimova S. Ta'lim natijalarini baholashga kompetentli yondashuv mohiyati //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
6. Salimova S.F. Formation of professional skills of future biology teachers and development of its criteria //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 769-772.
7. Salimova S.F. Improvement of methodical communication system //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 77-78.
8. Salimova S. Formation of professional skills of future biology teachers and development of its criteria: formation of professional skills of future biology teachers and development of its criteria //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 10. – №. 9.
9. Salimova S. Method of improving self-study works of students in biology by means of informational resources //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
10. Salimova S. General structure of spinal animals features // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
11. Salimova S. General structure of spinal animals features // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
12. Salimova S. Ta'lim natijalarini baholashga kompetentli yondashuv mohiyati // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
13. Salimova S. Method of improving self-study works of students in biology by means of informational resources //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
14. Salimova S. Improving the methodological training and research activities of future biology teachers //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 12.
15. Раурова М. Ижодий ўз ўзини рўёбга чиқаришда кваз касбий фаолиятнинг роли //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 5. – №. 5.

16. Raupova M. Biologiya ta'lim yo'nalishi talabalarining loyiha faoliyatini tashkil qilish amaliyoti // Центр научных публикаций (buxdu.uz). – 2021. – Т. 5. – №. 5.
17. Raupova M. Bo'lajak biologiya o'qituvchisi kvazi-professional faoliyatini loyihalash usullari // Центр научных публикаций (buxdu.uz). 2021. Т. 1. № 1.
18. Xaydar R. Rasulov. On the solvability of a boundary value problem for a quasilinear equation of mixed type with two degeneration lines // Journal of Physics: Conference Series 2070 012002 (2021), pp.1–11.
19. Расулов Х.Р. О некоторых символах математического анализа // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), p.66-77.
20. Расулов Х.Р. О понятие асимптотического разложения и ее некоторые применения // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), pp.77-88.
21. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяциянинг динамикаси хақида // Scientific progress, 2:1 (2021), p.665-672.
22. Toxirov B.B., Alimova L.H., Xudoyberdiyeva S.A. Practical value of microscopic algae in the farming sector // Вопросы науки и образования. – 2018. – №. 10 (22).
23. Toxirov B.B. Практическая значимость чистой хлореллы для рыбного хозяйства // Ученый XXI века, международный научный журнал, 1-1 (2017).
24. Toxirov B.B. Practical value of microscopic algae in the farming sector // – Учёный XXI века. – 2017. – №. 1-1 (26). – С. 31-32.
25. Rakhmatova Z. B., Tokhirov B. B. Aquaculture of plant-fishing fishfeeding and growing // Международный журнал маркетинга и технологий, 10-9 (2020): 5-9.
26. Mamurova M. O., Tokhirov B. B., Tog'aeva M., Rakhmatova Z. B. The role of enzymes in biotechnology // International Journal of Marketing and Technology, ISSUE 09, T-10, (2020). С .14-17.
27. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяция ва унинг математик модели хақида // Science and Education, scientific journal, 2:10 (2021), pp.81-96.
28. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Роль математики в биологических науках // Проблемы педагогики № 53:2 (2021), с. 7-10.
29. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Математические модели и законы в биологии // Scientific progress, 2:2 (2021), p.870-879.
30. Расулов Х.Р. Об одной нелокальной задаче для уравнения гиперболического типа // XXX Крымская Осенняя Математическая Школа-симпозиум по спектральным и эволюционным задачам. Сборник материалов международной конференции КРОМШ-2019, с. 197-199.

